

Ҳалол маҳсулотларнинг келажаги қандай?



13:00 / 26.08.2021 1648

Америкалик тадқиқотчилар пандемия пайтида ҳалол маҳсулотларга бўлган талабнинг бироз пасайганини қайд этиб, кафолатланган ўсишни башорат қилмоқдалар. Ҳалол озиқ-овқат бозори 2027 йилга келиб, икки баравар кўпаяди. Жумладан, 2020 йилда 842,39 миллион долларга етган бўлса, йиллар ўтиши жараёнида бу кўрсаткич 1,7 миллиард доллар бўлиши айтилган. Бу ҳақда Американинг Renub Research тадқиқот компанияси маълум қилган.

Мутахассислар ҳалол маҳсулотларга бўлган талабнинг ошишини дунёда мусулмонлар сонининг кўпайиши билан изоҳламоқда. Бу озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий истеъмолчилари Осиё аҳолисидир. Бу ерда дунё мусулмонларининг деярли 62 фоизи яшайди. Ҳисботда айтилишича, ҳалол маҳсулотлар соғлиги ва юқори сифати билан барча динлар орасида машҳурдир.

Пандемия ҳалол озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва талабига таъсир кўрсатди, бу эса корхоналарнинг молиявий таъминот занжирларини бузди, дейди эксперталар.

Ҳозирда глобал ҳалол озиқ-овқат бозори бир қанча компаниялар билан жуда рақобатбардошdir.